



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN  
XALQ ARBABIY QARORI

2022 йил 21 октябрь    Иштихон шаҳри    4-1406-2201/2766-сонли иш

Иштихон туманлараро иқтисодий суди раиси Н.Умаровнинг раислигида, Ш.Рахмоновнинг котиблигида, Иштихон туманлараро иқтисодий судининг биносида, очиқ суд мажлисида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасини даъвогар «          » МЧЖ манфаатида жавобгар «ЧИҒАТОЙЛИК ШАХЗОД ЗАМИНИ» фермер хўжалигига нисбатан берган даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Пайариқ туманлараро иқтисодий судига, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар «          » МЧЖ манфаатида даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгар «ЧИҒАТОЙЛИК ШАХЗОД ЗАМИНИ» фермер хўжалигидан 12 797 000 сўм дебитор қарздорликни ундириб беришни сўраган.

Даъво аризада баён қилинишича, «          » МЧЖ ва «ЧИҒАТОЙЛИК ШАХЗОД ЗАМИНИ» фермер хўжалиги ўртасида, 2019 йил 14 март куни 115-сонли пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш учун қишлоқ хўжалик корхоналарига нефть маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисида шартномаси тузилган бўлиб, ушбу шартномага асосан, даъвогар «МНБ» МЧЖ жавобгар «ЧИҒАТОЙЛИК ШАХЗОД ЗАМИНИ» фермер хўжалигига нефть маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини олганлигини, тузилган шартномага мувофиқ даъвогар томонидан нефть маҳсулотлари етказиб берилганлигини, жавобгар томонидан шартнома мажбуриятида белгиланган нефть маҳсулоти учун тўловни амалга оширмаганлигини, жавобгар томонидан тасдиқланган солиштирма далолатномага мувофиқ даъвогар томонидан етказиб берилган нефть маҳсулотлари учун жавобгарнинг муддати ўтган дебитор қарзи 12 797 000 сўмни ташкил этишлиги аниқланганлиги, аммо, жавобгар томонидан 12 797 000 сўм дебитор қарздорлик қопланмай қолганлиги маълум қилиниб, жавобгар «ЧИҒАТОЙЛИК ШАХЗОД ЗАМИНИ» фермер хўжалигидан 12 797 000 сўм дебитор қарздорликни ундириш сўраган.

Судга даъвогар вакили илтимоснома билан мурожаат қилиб, ишни даъвогар вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Белгиланган тартибда суд мажлиси куни ва вақтидан хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмади ва вакил иштирокини таъминламади.

**Protected by PDF Anti-Copy Free**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси талабларига биноан, ишда иштирок этувчи шахсларга суд даъво аризаси юзасидан тақдим этилган ишни таклиф қилган ёзма фикр ёки қўшимча далиллар тақдим этилган ишга ишни мавжуд материаллар бўйича кўришга тўсқинлик қилмайди.

Иш муҳокамасининг вақти тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Суд, даъвогар вакилининг иш бўйича тушунтиришини тинглаб, ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда қуйидагиларга кўра даъвони қаноатлантиришни лозим топди.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, «МНБ» МЧЖ (кейинги ўринда-“Етказиб берувчи”) ва «ЧИҒАТОЙЛИК ШАХЗОД ЗАМИНИ» фермер хўжалиги (кейинги ўринларда-“Хўжалик”) ўртасида 2019 йил 14 мартда №115-сонли “Пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш учун қишлоқ хўжалик корхоналарига нефть маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисида” шартнома тузилган.

Мазкур шартнома асосан “Етказиб берувчи” “Хўжалик”ка нефть маҳсулотлари (дизел ёқилғиси, мой ва бошқа маҳсулотлар)ни етказиб бериш, “Хўжалик” эса уларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

“Етказиб берувчи” томонидан “Хўжалик”ка шартномада келишилган нефть маҳсулотлари ўз вақтида ва белгиланган муддатда етказиб берилган бўлса-да, жавобгар томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилмасдан, даъвогар олдида 12 797 000 сўм қарздор бўлиб қолган.

Даъвогар томонидан жавобгарга дебитор қарздорликни 10 кун муддатда тўлаши тўғрисида юборилган 2022 йил 19 май кунги 12-02/184-8-сонли талабномаси, жавобгар томонидан эътиборсиз қолдирилган.

Шу сабабли, даъвогар судга 12 797 000 сўм дебитор қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 236-моддасига кўра, Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак қайд этилган.

Мазкур кодекснинг 437-моддасида маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи — сотувчи шартлашилган муддатда ёки

муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзгорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Шунингдек, ушбу кодекси 449-моддаси 3-қисмига мувофиқ, агар маҳсулот етказиб бериш шартномада товарлар ҳақи олувчи (тўловчи) томонидан тўланиши назарда тутилган бўлса ва у ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортса ёки товарлар ҳақини шартномада белгиланган муддатда тўламаган бўлса, етказиб берувчи сотиб олувчидан етказиб берилган товарлар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Жавобгарнинг даъвогар олдида 12 797 000 сўм қарздор эканлиги ишдаги мавжуд далиллар, шартнома, рухсатнома, маҳсулотларни етказиб бериш жадвали ва тарафлар ўртасида тузилган солиштирма далолатномалар билан ҳам ўз тасдиғини топади.

Даъвогар томонидан тақдим этилган маълумотномадан кўринишича жавобгар қарздорликни суд кунига қадар бартараф этмаган.

Шунга кўра суд, даъвогарнинг 12 797 000 сўм дебитор қарз ундириш тўғрисидаги даъво талабини қаноатлантиришни лозим топди

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи” тўғрисидаги Қонунининг “Давлат божи ставкаларининг миқдори” ҳақидаги иловасига мувофиқ, мулкий тусдаги даъво аризалардан даъво баҳосининг 2 % миқдоридан, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда этиб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасини 1-қисмида, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади деб кўрсатилган.

Бундай ҳолатда суд, иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, даъвогар вакилининг кўрсатмаларини тинглаб, жавобгар «ЧИҒАТОЙЛИК ШАХЗОД ЗАМИНИ» фермер хўжалигидан даъвогар “Мароқанд нефт базаси” МЧЖ фойдасига 12 797 000 сўм дебитор қарз ҳамда олдиндан тўлаб чиқилган 24 000 сўм почта харажати ундиришни, давлат божини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекснинг 118,176-179 ва 186- моддаларига асосланиб, суд

#### Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасини даъвогар «МНБ» МЧЖнинг манфаатида жавобгар «ЧИҒАТОЙЛИК ШАХЗОД ЗАМИНИ» фермер хўжалигига нисбатан берган даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар «ЧИҒАТОЙЛИК ШАХЗОД ЗАМИНИ» фермер хўжалигидан даъвогар «МНБ» МЧЖ фойдасига 12 797 000 сўм дебитор қарздорлик, олдиндан тўлаб чиқилган 24 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Жавобгар «ЧИҒАТОЙЛИК ШАХЗОД ЗАМИНИ» фермер хўжалиги ҳисобидан Республика бюджети ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жаъғармасига 300 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон бир ойлик муддат ичида Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига Иштихон туманлараро иқтисодий суди орқали шикоят беришга (протест келтиришга) ҳақли.

**Судья**



**Н.Умаров**